ЗАМОНАВИЙ ҚАҲРАМОН РУҲИЯТИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

О. ХУДОЙБЕРГАНОВА

В статье на примере романов У.Хамдама рассмотрены проблемы отражения национальных и общечеловеческих ценностей в сознании героев современной узбекской литературы.

In this article as the example of novels of U.Hamdama examined the problems reflection of national and common to all mankind valuable in mind heroes of modern Uzbek literature.

Замон янгиланиши натижасида адабиётимизда янги давр кишиларининг ўзгарган маънавий дунёси, руҳий кечинмаларини тасвирлашга, инсонга ижобий ёки салбий қаҳрамон эмас, мураккаб инсоний ҳолатларга эга шахс сифатида қарашга интилиш ва шундай асарлар яратишга эҳтиёж кучайди. Бундай асарлар орасида Улуғбек Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романи эътирофга моликдир. Барча асарларнинг воқеа тизими, образларнинг тасвири ҳамда табиий эҳтиёжлар ифодаси муайян жамият ва унда кечаётган жараёнлар билан бевосита боғлиқ. Янги даврнинг янгиланган қаҳрамони Акбарнинг қалбидаги интилишлар, ақлан довдирашлар, туйғу ва истаклари ҳам ана шундай эҳтиёжларга уйғунлиги муаллиф томонидан табиий тарзда ифодаланган.

Мустақиллик халқни эркинликка ўргатди, яъни жамиятнинг зиёли қатламидан тортиб ишчи қатламигача қаерда яшаб, қандай меҳнат қилиш кераклигини англаб етдилар. Ўзлигини англаётган ва шу англаш жараёнида маънан, жисмонан қийналаётган шахснинг тимсолини яратиш ҳамда туйғуларини бадиий талқин этиш адабиёт аҳлининг азалий бурчидир. Улуғбек Ҳамдам том маънода янгиланаётган ҳисларни ўзида мужассам этган замонавий шахс сифатида Акбар исмли қаҳрамонни яратди. Ушбу қаҳрамон адабиётшунос Ислом Ёқубов айтганидек, “60 йилларнинг иккинчи яримидаёқ бошланган янгича ёндашув” [4.262] ҳосилаларидан бири ва ўзига хоси эди. Ёзувчи қаҳрамонини реал инсонга хос сифатларда кўради, унинг хатоларини хаспўшламайди, камчиликларини ўқувчидан яширмайди. Акбар – бизнинг замондошимиз. Романни ўқир эканмиз, унинг руҳиятидаги турли товланишларнининг гувоҳи бўламиз. Унинг қамоқда руҳан эзилиб, калтак зарбидан нафақат жисми, балки кўнгли оғриган пайтидаги ўзбеклик сабр-чидами, оиласидан ҳам нажот йўқлигини билганидан кейинги шахс ғурури, йигитлик ҳамиятнининг топталаши, руҳий эзилишлари асарда ҳаққоний акс эттирилади: “Нима, ўйлаб гапираяпсанми, ўзбек, қаерга келганингни унутиб қўйибсан, чоғи?” [8.12] “Ҳали вақт бор, тиз чўкиб, ёлборсанг, тирик қолишинг мумкин, ўзбек”.[8.12] Миллати, шахси камситилган Акбар ўзини йигитлик ғурури ва орияти билангина ҳимоя қилади. “Ўзбеклигимдан ташқари яна мен эркакман” [8.12].

Акбарнинг қовун савдоси устида қамалиши ва қайтиб келгач Тошкентдан уй сотиб олиб, шаҳарга кўчиб келиши ҳам айнан ҳозирги замон белгиларидан биридир. Негаки, мустақилликдан кейингина кишиларга чет элга чиқиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш ва хоҳлаган жойда яшаш ҳамда ишлаш имкониятлари берилди. Одамлар ўзларини ҳар соҳада синаб кўра бошладилар. Табиийки, бундай синалишлар баъзида ютуқларга, баъзида эса адашишларга сабаб бўлади. Қаҳрамонимиз ҳам шу

имкониятлар туфайли ва яна қалбидаги ёшлик оташи зўридан ўзини янада тўлиқроқ англашга отланади ва устози Комил табибнинг сўзига кириб, сафар қилади. Бу Акбарнинг нафақат шаҳарга – ўз муҳитидан ўзга бир муҳитга сафари, балки унинг ўзлигини англашга бўлган сайёҳати эди. Бу сайёҳатнинг сабабини муаллиф исён деб атайди: "... Фақат исён бор эди унинг юрагида. Исён бўлгандаям ўз қисматига, қисматнинг алами, дунёнинг фирибидан, зўравонликдан, адолатсизликдан иборат эканлигига қарши аримас ИСЁН!" [8.17]. Акбарнинг қалбидаги бу исённи унинг ўқиган китоблари ҳам енга олмайди. Шаҳардаги қўшниси Лариса холанинг фожеали ўлими, устози Комил табибнинг вафоти ва ҳатто Диананинг севгиси ҳам боса олмайди. Бироқ бу каби воқеалар босмаган исён ўтини вақт аста-секин ўчирди. У умрининг охирида бу сафардан ёруғ юз билан ўз уйига, қишлоғига, мажозан эса ўзига қайтади. Бу қаҳрамон билан асардаги муаллифнинг концепцияси аёнлашади. Унинг ушбу асардан кўзда тутган асосий мақсади: ёшлик – гўзаллик, шу билан бирга хато қилиш, қарилик – ожизлик, аммо тажрибалилик, қилинган камчиликларни англаш ва уларга чек қўйиш, шу маънода улуғворлик ҳисоблайди. Шундай улуғворликкина итоатга, имонга қайтиш, ўлим билан мардонавор, юзма-юз келиш каби идеал тушунчаларни илгари суради ва тасаввуфий ривоятлар келтириб, ғояларни замон воқеалари билан изчил боғлайди. Яъни Одамнинг яралиши, унинг Ҳавво билан жаннатда ўтган осуда дамлари, шундай кейинги Одамнинг қалбига шайтон ҳийласи билан исён ўтининг жойлашиши, унинг жаннатдан Ерга туширилиши ва ўз хатоларини англаб етиб, итоат манзили томон ҳаракатланиши Акбар ва табиб линиясига параллел равишда, айтиш мумкинки, бош қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ўқувчига янада ёрқинроқ кўрсатиш мақсадида тасвирланган. Бу ҳақда И. Ёкубов шундай фикр билдирган: "... илоҳий таъкидлар баёни шунчаки иловалар эмас. Булар улкан ибрат сифатида қабул қилинувчи, етакчи фикрни тасдиқловчи, эстетик таъсирчанликни оширувчи моҳиятга эга. Илоҳий таъкидлар қаҳрамонлар кўнглидаги иштибоҳдан туғилмиш исёндан халос бўлишлик, ирода ва зеҳнни қувватлантириш – басират кўзини очишда муҳим роль ўйнайди. Чунки, БАНИ ОДАМ қисматининг ўзи исённинг беҳудудлигини кўрсатади. Бинобарин, романда зиддиятли ўй-фикрлар тараддуди ва ироданинг тўхтами ҳақида сўз боради".

Романдаги Комил табиб – аслида инсонларнинг руҳини даволайдиган комил инсон – пири комил тимсолидир. Акбар ва Искандар уни устоз дейишларининг сабаби ҳам шунда. У атрофидаги ёшларнинг – Акбар ва кейинчалик Искандарнинг юрагида ўзи бир пайтлар бошидан ўтказган исён ўти борлигини пайқайди ва уларнинг руҳини даволаш учун сафарга чиқишга даъват этади. Сафар – аслида нақшбандийликнинг 3-рукни "сафар дар ватан"га ишора бўлиб, инсоннинг ўз табиатига, яъни ёмон ахлоқдан яхши ахлоққа қилган сафари ҳисобланади [1.40]. Мана шу сафарда Акбар ўзлигини маълум маънода топади, дилидаги исён ўти тобора пасайиб, итоат манзилига етади. "Итоатки, мислсиз исёндан сўнггина туғиладиган, итоатки, инсонни исёндан минг карра, миллион карра юксакроққа элтайдиган!" [8.136] дейди бу борада Комил табиб. Роман охирида эса Искандар мана шу сафарга чиқиш арафасида кўрсатилади. Бу билан муаллиф ҳаёт мароми, демакки, ундаги исён ва итоатга томон интилиш ҳам тўхтагани йўқ, мудом ҳаракатда, деган башарий ғояни ифодаламоқда.

Тўғри, романнинг ҳеч бир ўрнида Комил табиб тасаввуф билан шуғулланади, дейилмаган. Бу биринчидан, тимсолнинг рамзийлиги билан баҳоланса, иккинчидан, Комил табибнинг замондошимиз эканлиги билан ҳам изоҳланади. У олий маълумотли врач. Лекин унинг фаолияти врачликдан кўра кўпроқ қишлоқларга жойлашиб, кишиларга нажот берган, ҳатто вафотидан кейин ҳам қабри муаққаддас қадамжога айланган авлиёларга ўхшайди. Қаҳрамоннинг намозни канда қилмаслиги, жойномоз устида Яратган билан қилган мулоқотлари, ҳар қандай саволига фақат Ундан жавоб излашлари унинг комил инсон тимсоли эканлагидан дарак беради. Бироқ унинг бу йўлга етиб келганлигини тасвирлашда У.Ҳамдам ўзига хос йўлни тутди. Табибни итоатгўй авлиё эмас, исёнкор ва хато қилувчи банда тарзида тасвирлади. У умр бўйи ўзини излади. Гриппга қарши вакцина устида илмий-тадқиқот олиб бораётганда ҳам, лаборатория мудири бўлган профессорнинг хиёнати туфайли бегуноҳ қамоқда ўтирган лаҳзаларида ҳам, уйига келиб илк гувоҳ бўлгани – хотинининг хиёнати туфайли дунё кўзига қоронғу бўлган дамларда ҳам унинг қалбида исён бор эди. Шундан кейин у бу дарднинг давосини излаб ота юртига келди. Қишлоқда оддий табиб бўлиб, кишиларни даволади. Уларга нажот бахш этди. Мана шу паллаларда Табибнинг қалби-да шифо топа бошлади. Кўнглида исён ўрнини итоат эгаллади. Ўзининг мана шундай ҳолатидан ибрат олиб, ўзлигини саркашлик билан излаётган – дунёга исён кўзи билан боқувчи ёшларга сафарга чиқишни айтиб, насиҳат қилади.

Ушбу тимсолнинг яна-да жонли чиқишига Турсунбой жонталаш ва Нигина образлари ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилган. У умр бўйи меҳнат қилиб, бир дақиқа бўлсин ёруғ кун кўрмаган, аниқроғи ўзига ўзи шундай қисматни раво кўрган Тур-

сунбой жонталашнинг охирги дақиқаларини кўради. Ўзига нажот билан термулган бу бечора инсоннинг дардига чора тополмай, Яратганнинг қудратига тан берса, жажжи қизалоқ Нигинанинг уни ёрдами билан ҳаётга қайтгани, она бўлиш бахтига эришганини кўриб, Худонинг раҳим ва раҳмон сифатларини ўзича кашф этиб, шукроналар айтади.

Умрбод ҳаётдан ҳикмат излаб яшаган Комил табибнинг ўлими ҳам бир ҳикмат каби бўлади. У ўзини қийнаган охирги саволларига ҳам жавоб олади, жойномоз устида, руҳий хотиржамлик бағрида жон беради.

Муаллиф романда давр кишиларининг руҳий тўлғонишлари, кўнгил тобланишлари-ю, кечинмаларининг товланишларини Диана, Лариса хола, Турсунбой жонталаш сингари турли кишиларнинг турфа тақдирлари мисолида гавдалантиролган. Айниқса, Турсунбой жонталаш тимсоли миллий чизгиларга бойлиги билан аҳамиятли. Унинг кечаю кундуз меҳнат қилиши, ўзини эмас, хатто касал бўлиб қолганда ҳам бола-чақаси ташвишида бўлиши, соғлигига қарамаслиги, тўшакка михлангач, у дунёга армон билан кетишни хоҳламай, акасидан розилик сўраши ўзбек характерини кўз олдимизга келтиради. Унинг умрининг охиридаги Комил табиб билан суҳбати лавҳаси ҳам бу фикримизнинг ёрқин далилидир:

“ – Табиб, – Турсунбой жонталаш яна унга мурожаат этди. Анави иморатга қаранг, – ҳамма дераза ортидан кўриниб турган, ҳали битмаган уйга қаради, – унга битта ғишт етмаяпти. Қаранг, юзга тушган доғдай бўп иморат ҳуснини бузиб турибди. Сиздан илтимос, жоним узилгунча ўша ғиштни қўйиб келсангиз. Табиб иморатни бир зум кузатиб, ҳайрон туриб қолди. Чунки унинг ғишт қўядиган жойи қолмаганди” [8.94]. Унинг ўлим олдида ҳам фарзандларини ўйлаши, айниқса, қураётган иморатининг чала қолишини хоҳламаслигида миллий фалсафа бор. Яъни ўзи қураётган иморат, балки бу унинг оиласи, балки имон-эътиқоди, балки шу пайтгача интилиб юрган орзусидир. Асардаги мана шу деталь қаҳрамонннинг руҳий дунёсини очишда ва унинг миллий ўзига хослигини намоён этишда алоҳида аҳамият касб этади.

Лариса хола образи Улуғбек Ҳамдамнинг дунё, ундаги одамзоднинг ҳаёти, ёшлик ва қарилик ҳақидаги фикрларини ташувчи қаҳрамон сифатида акс этади. Лариса холанинг ўтмишини ўйлаб яшиши, ўтмишини ўйлаб, хулоса чиқариши ва ўз умрига ўзи якун ясаши экзистенциализм фалсафаси ва адабиётининг муаллиф шуурига таъсири ўлароқ инъикос этган. Бу образ борасида адабиётшунос Ҳ.Каримов “Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари” рисоласида шундай фикр билдирган: “Маълумки, ўз жонига қасд қилишни барча дин қоралайди. Негаки, берилган умрни ўз қўли билан қисқартириш, бу Оллоҳнинг иродасига қарши бориш, яъни шайтоннинг қутқусига берилишдир. Бундан ва юқоридаги фикрлардан кўриниятпики, адиб исён ва итоатнинг моҳиятини очиб беролмаган” [2.97]. Биринчидан, ўзбек романларини, умуман, ҳар қандай асарни маълум бир мафкура юзасидан таҳлил қилиш кечаги адабиётшуносликдан қолган бўлиб, бугунги адабиётшуносликнинг вазифаси бадиий асарнинг аввало бадиий-эстетик вазифасини таҳлил этмоқ бўлмоғи керак. Бу ҳақда профессор Қ. Йўлдошев қуйидагича фикр билдирган: “Ҳукмрон мафкура тайзиқидан қутулган, дунёни ҳар хил англаш, изоҳлаш ҳамда тасвирлаш самараси сифатида миллат ижодий даҳосининг маҳсули бўлиб истиқлол адабиёти дунёга келди. Бу адабиёт ижтимоий тараққиёт йўсинларини муайян шахс руҳиятининг манзараларини, синфий кураш ва партиявий ёндашувсиз тасвирлаш мумкинлиги натижаси ўлароқ ҳосил бўлди” [3.138]. Демакки, бадиий асар, ундаги қаҳрамонолар руҳияти ва муаллифнинг ижодий ниятини таҳлил этишда нафақат партиявий-синфий, балки диний-ижтимоий томондан ёндашиш ҳам ўзини оқламайди. Инсон ҳаётида шундай пайтлар, шундай руҳий ҳолатлар бўладики, унга ҳеч қандай дин, ҳеч қандай таълимот жавоб топиб беролмайди. Лариса холанинг романда тасвирланган ва биз кўриб ўтган ҳаёти, унинг натижаси ўлароқ фожеаси мана шундай ҳолатдир. Иккинчидан, дунёда нечта одам бўлса, шунча хил характер, хусусият бор. Демакки, ҳар бир кишининг исёни ҳам, ундан юриб, итоатга келиш йўли ҳам турфа хил. Бир қаҳрамоннинг, ундан келиб чиқиб қарасак муаллифнинг қалбидаги ҳиссиётларга “бу исён эмас, бу итоат эмас” деб баҳолашга хеч бир кишининг, у тадқиқотчими, ёки ўқувчими, ҳаққи йўқ. Учинчидан, Лариса хола образининг ботинида кечаётган талотўп-бўҳрон шунчалик табиийки, уни ҳар хил диний-ахлоқий қарашлар билан баҳолаш эмас, ҳис қилиш керакка ўхшайди. Экзистенциализмнинг бош ғояларидан бири инсонинг бу дунёда ёлғизлигидир. “Инсонлар шунчалик индивидуал ва бир-бирларига ўхшамасликлари боис улар орасида мулоқот бўлиши мумкин эмас, шунинг учун улар ёлғизликка маҳкумдирлар” [6]. Лариса хола мана шундай ёлғизликка маҳкум инсонлардан. Аниқроғи, у ўзини ўзи ёлғизликка маҳкум этган. Биз уни романнинг 26-бўлимида илк бор учратамиз. “Лариса хола тағин ўша тушини кўрди. Тағин ўзини туғилиб ўсган ва болалиги ўтган Волга дарёси бўйидаги хутордан топди. Тағин у ҳар сафаргидек, малла, қўнғир сочли болалар қуршовида. Айни чоғда навбатдагисига хомиладор ҳолда каттакон стол атрофида ўти-

рибди”... [8.39] Бу бир пайтлар ёшлигида фарзанд кўришни хоҳламаган, уни оёғимга тушов бўлади деб ўйлаган инсоннинг туши. Маълумки, асарнинг асоси туш ва хаёллардан иборат бўлиши модерн адабиётнинг талабларидан бири. Романнинг айнан мана шу қаҳрамон билан боғлиқ қисмларида муаллиф мана шу қоидага риоя қилади. Яъни Лариса холани биз реал ҳаётдан кўра кўпроқ ўз хаёллари бағрида, ҳаётини тафтиш қилиш жараёнида учратамиз. У туш кўради, ўйлайди, зерикади, яна фикрлайди, атрофга қарайди, кузатади, ўйлайди. Ушбу образни профессор С.Содиқов “Мутелик фалсафаси” мақоласида қуйидагича таърифлайди: “Исёни хатолигини Лариса хола саксонга кирганида англайди, чунки у қариганида ёлғиз ва қаровсиз қолади. Фақат энди хатони тузатишнинг, яъни исён оловини ўчиришнинг ҳамда итоат томон юз буришнинг иложи йўқ эди. Итоат сари йўл тополмаган кампир ўзини юқори қаватдан ташлаб, ҳалок бўлади. Оқибатда бу воқеа исённи енгиб, итоатга қайтолмаслик инсон учун оғир фожеа эканлигини таъкидловчи иллюстарацияга айланади” [5.160-161]. Аввало, Лариса хола турмушга чиққан, буни эри ҳақидаги ўйларидан билса бўлади. Тўғри, у ёлғизликдан, қаровсизликдан сиқилади, ўйланади. Лекин унинг фожеасини фақатгина шу сабадан деб баҳолаш тўғри эмас. Кейин унинг фарзанд кўрмаслигини исён деб тушуниш, умуман романдаги ҳар бир қаҳрамонни ё исёнкор, ё итоатгўй деб баҳолаш сингари бирёқлама қараш. Романга мурожаат қиламиз: “Нега туғилдим, нега бу ярамс дунёга келдим ўзи?!...” – диванда ўйланиб ётган Лариса хола шитоб билан қўзғалиб қолди. – саксондан ўтдим, буёғи тўқсонга қараб кетди. Лекин бундай... судралиб яшашдан нима маъни?! Бундан кўра ўлиб қўя қолсам, нима қиларди? Уфф, жоним мунча қаттиқ бўлмаса? Одамлар эллик-олтмиш орасидаёқ арзимаган баҳоналар билан оёқ қоқиб қолишади. Мен бўлсам... ёшлик яхши экан. Менинг ҳаётим ёшлигимда ўтиб кетди. Кексаликда эса... бу ҳаёт эмас, бошдан-оёқ ғурбат экан. Эҳтимол, болам бўлганида... Бе-е, боласи борларни ҳам кўп кўрдим.Аҳволи менкидан баттарлари бор орасида” [8.101]. Инсоннинг бу дунёда ёлғизлиги, дунёни ва инсоннинг ўзлигини ақлдан зиёд иррационаллик билан билишга интилиш ва ниҳоят сўнгги қарорни қабул қилиш асносида танлаш – экзистенциалистлар таърифлагандек, одамзоднинг ўз қўлида бўлган танлов содир бўлади. Лариса хола ўзи билан қирқ йил бирга ишлаган дўсти Дмитрийнинг ўзидан-да забун аҳволини кўргач, эртага шундай хор бўлмаслик учун жонига қасд қилади – ўзини тўртинчи қават даразасидан ташлаб юборади. Бу танлов балки унинг маънисиз деб билгани бу дунёга исёнидир, зеро чиндан-да унинг ҳаёти бемаъно бўлиб қолган эди. Балки қачонлардир қилган гуноҳларига – фарзанд кўришни истамаганига қилаётган тавбаси ва унинг каффоратидир.

Адиб ушбу романда миллатнинг нафақат фазилатларини, балки бир қатор камчиликларини ҳам очиб берган. Бундай ҳусусиятлар Маҳкам образида намоён бўлади. У Лариса холанинг уйини кўзлаб, унга меҳрибонлик кўрсатади. Хатто бу аҳдлашувни маҳаллани аралаштириб, қонуний тусга киритади. Шундан кейин холани кўрганидаги ҳар бир гапи билан чақиб, кампирнинг ўлимини кутаётганлиги билинади. Бу ўзбекдаги бир қусур – фақат бола-чақамга, менга бўлса қабилидаги фикрлашдир.

Хуллас, адиб ҳажман қисқа, моҳиятан кенг шу асарида бутун борлиқ, барча мавжудотлар, ҳар хил қисматлар Аллоҳ измида, инсоннинг Яратганни англаш ва унга қайтишигача бўлган йўлида хато ва камчиликлар муқаррар деган фалсафани бадиий жиҳатдан жозибадор тарзда ёрита олган. Аҳамиятлиси шундаки, романдаги қаҳрамонлар руҳиятида миллий ва умуминсоний қадриятлар тасвири бу фалсафани китобхонга янада таъсирлироқ ифодалашда муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Али Сафий Фахруддин. Рашаҳоту айнил ҳаёт. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004
2. Каримов Ҳ. Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари.- Т.,2008.- Б. 97.
3. Йўлдошев Қ. Бадиий таҳлил йўллари. // Шарқ юлдузи. 2007.- №1.- Б. 138.
4. Ёқубов И. Мувозанат эҳтиёжи ва изтироби. / Ҳамдам У. Мувозанат. – Т.: Шарқ, 2007
5. Содиқов С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси.- Т.: Шарқ, 2005
6. Борев Ю. Эстетика. – М.: Высшая школа, 2002
7. Ҳамдам У. Мувозанат. – Т.: Шарқ, 2007
8. Ҳамдам У. Исён ва итоат.- Т.: Янги аср авлоди, 2003

Ўзбекистон миллий университети,
2011 йил 25 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Қуронов)